Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

"POWER BUILD CONSTRUCTION" МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги хузуридаги "Бинолардан фойдаланиш ва курилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси" ДУК ўртасида 15.08.2022й 172 000 000 сўммага тузилган ЛҚИ-2022/08-сонли шартнома. Лимитга асосан 2022 йилда ажратилган маблаг **172 000 000** (бир юз етмиш икки миллион) сўм

**Объект номи: А373, М39, А380, М37, Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойихаларни ишлаб чиқиш Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 245

Шахсий ғазна хисобварак 100010860262737089801245005

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4311200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 172 000 000 | | | 172 000 000,00 |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | 172 000 000 | | | 172 000 000 |

Жами 172000000 сўм (бир юз етмиш икки миллион) сўм

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 51 600 000 сўм ёки 100,00%*** шартноманинг умумий суммасидан 30 % 2022 йил октябрь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширишш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи рахбари ______________ Ш.Киличев
(имзо) Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Р.Хайдаров
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

«___» ________________20___й.

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан**
**Ш А Р Т Н О М А**
**№ ЛҚИ-2022/08**

**2022 йил** 15 август **Тошкент шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги **"Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси" ДУК** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.О.Киличев, бир томондан **"POWER BUILD CONSTRUCTION" МЧЖ** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор А.Солиев иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Шартнома предмети.

**1.1.** Мазкур шартномага кўра, Бажарувчи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш Қашкадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича** объект лойиҳасини амалдаги қонунчиликда ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда "Лойиҳа" деб номланади) ишлаб чиқиш, тайёрлаш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқни, бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

**2.1.** Мазкур шартнома бўйича амалга ошириладиган ишлар электрон тартибда ўтган ва тендер танлови натижасида аниқланган (2022 йил 12 августдаги 131902-сон баённома) баёнига кўра тасдиқланган қиймати ҚҚС билан жами **172 000 000 (бир юз етмиш икки миллион)** сўмни ташкил этиб, тўлов графигига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ушбу шартнома рўйхатдан ўтказилгандан кейин молиялаштирилади.

**2.2.** Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Бажарувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ушбу шартнома Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан бир ой давомида ишлар қийматидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилади;
- кейинги тўловлар босқичма-босқич, лойиҳани қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактураси имзолангандан сўнг, 30 банк иш куни давомида, буюртмачи томонидан (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг лойиҳага эътирози ҳамда мазкур лойиҳага асосланган рад этиш хати мавжуд бўлмаган тақдирда) амалга оширилади.

**2.3.** Мазкур лойиҳа-смета ишлари учун давлат бюджетидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўлов учун мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

## 3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

**3.1. А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш Қашкадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича** лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳа топшириғини қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаб, келишиб олади;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалаш топшириғига ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни бажарувчига тақдим қилади;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календарь муддатлари сурилиши мумкин.

**3.2.** Ишлар тугаллангандан сўнг, Бажарувчи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати билан, лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини 3 нусхада топширади, лойиҳа топшириғи ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

**3.3.** Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан кейин *(лойиҳалаш топшириғи тасдиқланган кундан)* 20 кун давомида лойиҳани олиш ёки рад этиш ва Бажарувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юборади;

3.3.2. Лойиҳани рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Бажарувчига юборилгандан сўнг икки томонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (*Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса*), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Бажарувчига юбормаса, лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб, топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса ёки камчиликларни лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (*яширин камчиликлар*), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Бажарувчини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади.

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалаш топшириғини Бажарувчига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини "Манзилли дастур" тасдиқлангандан ва Молия вазирлиги Ғазначилигида ушбу шартнома рўйхатдан ўтказилгандан сўнг Бажарувчига тўлаб бериш.

4.1.3. Бажарувчидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Бажарувчининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари, ташкилотлар билан келишиш учун Бажарувчини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Бажарувчига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (*мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг*).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Бажарувчини жалб қилади.

**4.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалаш топшириғи ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиб туриши. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Бажарувчи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмайди.

4.2.3. Бажарувчи лойиҳа объектида ШНК 1.03.07-2010 (*муаллифлик назоратини ўтказиш жадвали*)га асосан муаллифлик назоратини амалга оширишни таъминлаш.

4.2.4 Тегишли давлат органлари, манфаатдор ташкилотлар билан лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида келишиш.

4.2.5. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос келадиган, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган тайёр лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.6. Лойиҳанинг ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.2.7. Бажарувчи, лойиҳалаштириш ва муҳандислик-техник тадқиқотларни биргаликда бажарувчилар, шунингдек, объектни лойиҳалаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот, экспериментал ва тажриба-конструкторлик ишларининг Бажарувчилари лойиҳалаш топшириғи, қонунчилик ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ қабул қилинадиган қарорнинг сифати ва техник-иқтисодий даражаси, шунингдек, қурилиш ва объектдан фойдаланиш даврида аниқланган лойиҳа ҳужжатларидаги камчиликлар учун тўлиқ жавобгар хисобланади. (*Ўзбекистон Республикаси "Давлат арихтектура ва қурилиш" қўмитасининг 16.05.2016 йилдаги 65-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-16нинг 1.13-банди*).

4.2.8. Агарда, пудратчи томонидан объектни қуриш давомида Бажарувчи Буюртмачига топширган лойиҳаси шаҳарсозлик ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид бўлганда ва пудратчи ташкилоти ва Буюртмачининг харажатлари мақсадсиз ишлатилган тақдирда, Бажарувчи томонидан бундай харажатлар тўлиқ қоплаб берилади.

**4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга**:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Бажарувчидан қуйидагиларни талаб қилиши:
- Бажарувчи лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилишини;
- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтиришни;
- Бажарувчи лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплашини талаб қилиши;
- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Бажарувчидан талаб қилиши.

**4.4. Бажарувчи қуйидаги хуқуқларга эга:**

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билан лойиҳалаш топшириғи ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниши.

4.4.2. Буюртмачидан топшириқ бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни олиш.

## 5. Томонлар жавобгарлиги.

**5.1.** Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

**5.2.** Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин, Бажарувчи лойиҳанинг дастлабки ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун тўлиқ жавобгардир. Келиб чиққан камчиликларни бажарувчи ўз ҳисобидан қоплаб беради.

**5.3.** Бажарувчи лойиҳадаги камчиликлар учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- Буюртмачи Бажарувчи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёҳуд лойиҳалаш топшириғидаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

**5.4.** Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,3 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

**5.5.** Бажарувчи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,3 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

**5.6.** Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. Махфийлик.

**6.1.** Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилиниши мумкин бўлмаган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари ҳамда мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари лозим.

## 7. Шартномани ўзгартириш ва бекор килиш тартиби.

**7.1.** Томонлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартномага ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилиши ва муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

**7.2.** Мазкур шартномада битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ҳамда томонлар (*ёки томонлар номидан ишончнома асосида қатнашган вакиллар*) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

**7.3.** Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаганлик шарти билан бир томон иккинчи томонни 15 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

**7.4.** Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ушбу шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

**7.5.** Шартноманинг бекор қилиниши, томонларни шартнома шартларини бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

## 8. Низоларни ҳал этиш.

**8.1.** Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги конунчилик нормалари асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

**8.2.** Низолар, масалалар, музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## 9. Енгиб бўлмайдиган фавқулотда (форс-мажор) холатлар.

**9.1.** Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар эмаслар.
Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошкини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг тақиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

**9.2.** Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

**10.1.** Мазкур шартнома Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргa қадар амал қилади.

**10.2.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди, битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Бажарувчида сақланади.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

**БУЮРТМАЧИ:**
**“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК**
Манзил: Тошкент ш, Миробод т, Ойбек кўчаси-18 уй. АТБ “Капиталбанк” Марказий амалиёт бўлими х/р: 2021 0000 7007 8533 8001
МФО:01088; СТИР:304 955 114 ОКЭД:81100
Шхв: 1000 10 860 262 73 7089 801 245 005
Ўз.Р.Молия вазирлиги Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси, ғ\х.р. 23402000300100001010
Тошкент ш. РКЦ ГУ ЦБ тел.: (71) 205-06-00
ИНН 201122919 МФО -00014

**Директор** ________________ **Ш.Киличев**

**БАЖАРУВЧИ:**
**“POWER BUILD CONSTRUCTION” МЧЖ**
Адрес: г. Ташкент Яшнабадский р-н, ул. Элбека 22/1, Телефон (97)302-68-81
Р/с: (202 080 005 007 112 330 01)
в НБУ ВЭД Бектемирский ф-л
город Ташкент МФО 00930
Идентификационный номер
(ИНН) 304 546 013, Код по ОКЭД 71110
Регистрационный код
НДС: 326 010 004 201

**Директор** ________________ **А.Солиев**

“Binolardan foydalanish va qurilish ta’mirlash ishlari direksiyasi” DUK
Yuriskonsult
20__y. “__” ________ (imzo)

2022 йил _15_август
№ЛҚИ-2022/08-сонли шартномага
1-илова

# ИШЛАРНИНГ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

"Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси" ДУКнинг топшириғига асосан, **А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш Қашкадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича** объект учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.

| **№** | **Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг ва асосий босқичларнинг рўйхати** | **Муддат** | **Босқичларнинг ҳисоб қиймати йиғиндиси** |
|---|---|---|---|
| 1 | **Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш** | 30 кун | **172 000 000** сўм |
| | Барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда жами: | | 172 000 000 сўм |

Барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда жами
**172 000 000.00 (бир юз етмиш икки миллион)**

**"БУЮРТМАЧИ" номидан**

**Директор:** _____________ **Ш.Киличев**

**"ЛОЙИҲАЧИ" номидан**

**Директор:** _____________ **А.Солиев**

2022 йил _15 августа

№ ЛҚИ-2022/08-сонли шартномага

2-илова

**Лойиҳа-смета нархини аниқлаш сметаси № 1**

Лойиҳачи: **"POWER BUILD CONSTRUCTION" МЧЖ**

Буюртмачи: **"Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси" ДУК**

| Асарларнинг номи | Асослаш | Коэффициент | Тўлов (минг сўм) | Нархлар ҚҚС (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|
| А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш Қашкадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича 172 000 000 сўм<br><br>**Шу жумладан муаллифлик назорати учун** | ЛҚИ-мақоласини аниқлаш тўғрисидаги низом 09.09.2019 йилдаги 3180-сонли Ўзбекистон Республикаси Давлат архитект қурилишининг қарори билан тасдиқланган.<br><br>II тоифадаги қийинчилик, 2-илова (20.08.2020 йилдаги 496-сонли ВМҚ) | | | 172 000 000 сўм |
| Жами тўланадиган: бир юз етмиш икки миллион сўм 15% ҚҚС | | | | 172 000 000 сўм |

**"БУЮРТМАЧИ" номидан**

**Директор:** ____________ **Ш.Киличев**

**"ЛОЙИҲАЧИ" номидан**

**Директор** ____________ **А.Солиев**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**“Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси”**
**ДУК директори ўринбосари-танлов комиссияси раиси**

**__________ А. А. Иргашев**

**2022 йил “14” август**

**“Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” Давлат унитар корхонасининг танлов комиссияси йиғилишининг**
**_____- сон**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

2022 йил “14” август Тошкент ш.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

| | |
|---|---|
| А. Иргашев | “Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” Давлат унитар корхонаси дирекори ўринбосари, танлов комиссияси раиси |
| Д. Муротқобилов | “Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” Давлат унитар корхонаси бош муҳандис комиссия аъзоси |
| Ш. Хайдарова | Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи комиссияси аъзоси |
| Д. Ювашева | Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассис комиссияси аъзоси |
| А.Холтураев | Манзилли дастурларни тайёрлаш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассис комиссия аъзоси |

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” Давлат унитар корхонасининг А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйича миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш (Водий вилоятлари йўналиши, Самарқанд-Бухоро йўналиши , Хоразм Қорақалпоғистон Республикаси йўналиши, Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши) буйича тендер натижаларини кўриб чиқиш**

*(Иргашев, Муротқобилов,Хайдарова, Ювашева, Холтураев,Иргашев )*

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия раиси “Бинолардан фойдаланиш қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” Давлат унитар корхонаси дирекори ўринбосари А.Иргашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйича миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш (Водий вилоятлари йўналиши, Самарқанд-Бухоро йўналиши , Хоразм-Қорақалпоғистон Республикаси йўналиши, Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши) буйича танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносабатлари бўлими шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Давлат харидлари электрон тизими etender.uzex.uz сайтида №131927, лот №131917, лот №131902, лот №131971 лот рақамлари билан эълонга берилган бўлиб, 2021 йил 11 август соат 16:40 дан 16:50 орлиғида ўз

ниҳоясига етганини маълум қилди. Тақдим этилган корхоналар таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Манзилли дастурларни тайёрлаш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси-танлов комиссияси аъзоси А.Холтураев ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Танлов комиссияси аьзоларида мазкур №131927, №131917, №131902, №131971 сонли лотларда иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур №131927, №131917, №131902, №131971-сонли лотларда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

**Танлов комиссияси аъзолари:**

| | |
|---|---|
| Д.Муротқобилов | ____________ |
| Ш.Хайдаров | ____________ |
| Д.Ювашева | ____________ |
| А.Холтураев | ____________ |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**"Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси" ДУК директори ўринбосари-комиссия раиси**

**_______________А.Иргашев**

**«___» ___________2022 йил**

**“А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш” (Водий вилоятлари учун алоҳида, Самарқанд-Бухоро йўналиши бўйича, Хоразм-Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича) баҳолаш**

**М Е Ъ З О Н И**

| Т/р | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи: | Баллар миқдори |
|---|---|---|
| 1 | **Керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг мавжудлиги:** | |
| | Ксерокс принтер-сканер А3, А4 | 2 |
| | Принтер струйный цветной А1, А2 | 2 |
| | Комьютеры в комплекте | 2 |
| | Лазерная рулетка | 2 |
| | Спец техника ва машина | 2 |
| 2 | **Иштирокчи ҳақида умумий маълумот:** | |
| | 1 йилгача фаолият юритган | 4 |
| | 2 йилгача фаолият юритган | 6 |
| | 3 йилгача фаолият юритган | 8 |
| | 4 йилгача фаолият юритган | 10 |
| 3 | **Иш кучи ва иш тажрибаси. Тажрибали ва малакали ходимлар:** | |
| | Иш стажи 3 йилгача 5 та ходимгача | 2 |
| | Иш стажи 5 йилгача 10 та ходимгача | 4 |
| | Иш стажи 7 йилгача 15 та ходимгача | 6 |
| | Иш стажи 10 йилгача 20 та ходимгача | 8 |
| | Иш стаж 15 йилгача 25 та ходим ва ундан юкори | 10 |
| 4 | **Буюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар:** | |
| | 1 та буюртмачи ва ундан юқори | 4 |
| | 2 та буюртмачи ва ундан юқори | 8 |
| | 3 та буюртмачи ва ундан юқори | 10 |
| 5 | **Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (солиқ қўмитасидан маълумотнома)** | |
| | 5 та ва ундан ортиқ ходимларга | 3 |
| | 10 та ва ундан ортиқ ходимларга | 5 |
| | 15 та ва ундан ортиқ ходимларга | 7 |
| | 20 та ва ундан ортиқ ходимларга | 10 |
| 6 | **III тоифадаги объектларни лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан берилган лицензиянинг мавжудлиги:** | |
| | I тоифали | 4 |
| | II тоифали | 8 |
| | III тоифали | 10 |
| 7 | **Объектнинг жойига чиқиб кўрилганлиги тўғрисида далолатнома ва ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати:** | |

| | | |
|---|---|---|
| | Кафолат хати | 5 |
| | Кафолат хати ва жойига чиқиб ўрганилганлиги | 10 |
| **8** | **Иштирокчининг охирги уч йил давомида бажарган ишлари ҳақида маълумот( охирги 3 йил)** | |
| | 5 та объект ва ундан юқори | 5 |
| | 10 та объект ва ундан юқори | 7 |
| | 15 та объект ва ундан юқори | 10 |
| **9** | **Молиявий барқарорлик. Корхонанинг сўнгги уч йилдаги молиявий натижаларини таъминлаш:** | |
| | Айланма маблағ 300 млн.гача Соф фойда 50 млн.гача | 1 |
| | Айланма маблағ 400 млн.сўмгача. Соф фойда 100 млн.гача | 2 |
| | Айланма маблағ 500 млн.сўмгача. Соф фойда 150 млн.гача | 3 |
| | Айланма маблағ 600 млн.сўмгача. Соф фойда 200 млн.гача | 4 |
| | Айланма маблағ 700 млн.сўмгача. Соф фойда 300 млн.гача | 5 |
| | Айланма маблағ 800 млн.сўмгача. Соф фойда 350 млн.гача | 6 |
| | Айланма маблағ 900 млн.сўмгача. Соф фойда 400 млн.гача | 7 |
| | Айланма маблағ 1000 млрд.сўмгача. Соф фойда 500 млн.гача | 8 |
| | Айланма маблағ 1500 млрд.сўмгача. Соф фойда 600 млн.гача | 9 |
| | Айланма маблағ 2000 млрд.сўмдан юқори. Соф фойда 800 млн.дан юқори | 10 |

**Коммисия аъзолари:**

Бош мухандис — Д.Мураткобилов

Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи — Ш.Хайдарова

Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш, шунингдек, республика ҳудудларидаги техник назорат бўйича мутахассислар бўлими бошлиғи — С.Хужанов

Манзилли дастурларни тайёрлаш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассис — А.Холтураев

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Туризм ва маданий мерос**
**вазири ўринбосари**

**__________ Б.Шахриёров**

2022 йил "12" октябрь

**2022 йилда бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги «Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси» ДУКнинг объектлари бўйича амалга ошириладиган лойиҳа-қидирув ишларининг**

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

*(Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарори)*

**(млн.сўм )**

| № | Лойиҳалаштириладиган объект номи ва манзили | Лойиҳалаштириладиган объект қуввати (мос қийматларда) | Қурилиш ишлари бошланиш ва тугаш йили | Қурилиш тахминий ҳисобланган умумий қиймати | Лойиҳа босқичи | ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати | 2022 йил 1 январ ҳолатига бажарилган ЛҚИ | 2022 йил 1 январ ҳолатига ЛҚИ нинг қолдиқ қиймати | 2022 йилда кутилаётган ЛҚИ | ЛСҲ ларини буюртмачига топшириш муддати (йил ой) | Лойиҳачи учун асос, (тендер, танлов савдолари баёни рақами, санаси, ПҚ, ВМ, қарорлари фармойишлари, топшириқлари ва х.к.) | Лойиҳаловчи институт номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | **Жами:** | | | | | | | | **8 800,000** | | | |
| **I** | **Йирик туристик салоҳиятга эга бўлган тоғли ва тоғолди ҳудудларининг мастер-режаларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш *,***** | | | | | | | | **8 000,000** | **2022 йил, ноябрь** | | |
| | *шу жумладан:* | | | | | | | | | | | |
| **II** | **А373, М39, А380, М37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш **** | | | | | | | | **800,000** | **2022 йил, август** | | |
| | *шу жумладан:* | | | | | | | | | | | |
| 1 | Водий вилоятлари йўналиши бўйича | 1 | | 15 960,0 | ИЛ | 192,000 | | 192,000 | 192,000 | 2022 йил, август | Лот № 131927 11.08.2022 й. | "SHAHAR PROEKT" МЧЖ |
| 2 | Самарқанд-Бухоро йўналиши бўйича | 1 | | 15 960,0 | ИЛ | 188,000 | | 188,000 | 188,000 | 2022 йил, август | Лот № 131971 11.08.2022 й. | "POWER BULD CONCTRUCTION" МЧЖ |
| 3 | Хоразм-Қорақалпоғистон Республикаси йўналиши бўйича | 1 | | 15 960,0 | ИЛ | 188,000 | | 188,000 | 188,000 | 2022 йил, август | Лот № 131917 12.08.2022 й. | "POWER BULD CONCTRUCTION" МЧЖ |

| № | Лойиҳалаштириладиган объект номи ва манзили | Лойиҳалаштириладиган объект қуввати (мос қийматларда) | Қурилиш ишлари бошланиш ва тугаш йили | Қурилиш тахминий хисобланган умумий киймати | Лойиҳа босқичи | ЛҚИнинг объектлар бўйича киймати | 2022 йил 1 январ холатига бажарилган ЛҚИ | 2022 йил 1 январ холатига ЛҚИ нинг қолдиқ қиймати | 2022 йилда кутилаётган ЛҚИ | ЛСҲ ларини буюртмачига топшириш муддати (йил ой) | Лойиҳачи учун асос, (тендер, танлов савдолари баёни рақами, санаси, ПҚ, ВМ, қарорлари фармойишлари, топшириқлари ва х.к.) | Лойиҳаловчи институт номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 4 | Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича | 1 | | 15 960,0 | ИЛ | 188,000 | | 188,000 | 188,000 | 2022 йил, август | Лот № 131902 12.08.2022 й. | "POWER BULD CONCTRUCTION" МЧЖ |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | 44,000 | | | |

Изох: Объектнинг қиймати лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангандан кейин белгиланади.

*) Йирик туристик салоҳиятга эга бўлган тоғли ва тоғолди ҳудудларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш ишлари доирасида ҳудудларнинг географик, иқлим ва бошқа тадқиқотлари, концепцияси, техник иқтисодий асослари, маркетинг таҳлили, тоғли ва тоғолди ҳудудларнинг транспорт модели, архитектура қиёфаси, лойиҳани истиқболини белгилаш ҳамда тиббий, эко, агро, спорт ва бошқа туризм турларини ривожлантириш тадбирлари инобатга олинади.

**) Мажмуада АЁҚШ, АГҚШ, Дизел, электр мобиллар учун заряд олиш станциялари, мотел, савдо расталари, она-бола хонаси, санитария-гигиеник шахобчалар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш пункти, туристик ахборот маркази лойиҳаларини ўз ичига олади..

***) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги 110-сон қарорига мувофиқ, лойиҳалар Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири томонидан тасдиқланган рўйхат асосида тақсимланади.

| | | |
|---|---|---|
| **“Киритилди”**<br>**«Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари дирекцияси» ДУК директори**<br>________ Ш. Киличев<br>2022 йил "___" ________<br>(имзо, мухр) | **“Келишилди”**<br>**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**<br>________<br>(Ф.И.Ш.)<br>2022 йил "___" ________ | **“Келишилди”**<br>**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги**<br>________ (Ф.И.Ш.)<br>2022 йил "12" 10 |

TURIZM VA MADANIY MEROS VAZIRLIGI BINOLARDAN FOYDALANISH VA QURILISH-TA'MIRLASH ISHLARI DIREKSIYASI DAVLAT UNITAR KORXONASI